

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ТАШҚИ СИЁСИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

Аннотация

В настоящей статье исследован фактор обеспечения региональной безопасности во внешнеполитической концепции Республики Узбекистан. При этом применен подход, согласно которому обеспечение региональной безопасности Центральной Азии является центральным направлением внешней политики и зоной жизненных интересов Республики Узбекистан.

Опорные слова и выражения: внешняя политика, концепция внешней политики, принципы внешней политики, региональная безопасность, региональное сотрудничество, Центральная Азия.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий концепциясида минтақавий хавфсизликни таъминлаш омили тадқиқ этилган. Бунда Марказий Осиёсининг минтақавий хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг шоҳ йўналиши ва ҳаётий манбаатлари доираси сифатида ёндашилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: ташқи сиёсат, ташқи сиёсат концепцияси, ташқи сиёсат принциплари, минтақавий хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, Марказий Осиё.

Abstract

In the present article studied the factor of regional security in the foreign policy concept of the Republic of Uzbekistan. In this applied approach, according to which ensuring regional security in Central Asia is a Central focus of foreign policy and vital interests of the Republic of Uzbekistan.

Keywords and expressions: foreign policy, the concept of foreign policy, principles of foreign policy, regional security, regional cooperation, Central Asia.

Маълумки, давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти унинг ижтимоий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Аниқ мақсадга қаратилган ташқи сиёсат иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий салоҳиятнинг ўсишига кўмаклашади. Шу билан бирга, бу жамиятнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни янгилаш ва тубдан ислоҳ қилишнинг устувор шартшароитларидан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «биз шунга аминмизки, мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон

демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш зарур»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида ёзилишича, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа норма ва принципларига асосланади².

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26-декабр Қонуниз мустақил ташқи сиёсий доктринани шакллантиришнинг шох кўчасини очиб берди. Ушбу ҳужжатга кўра дунёда барқарорликнинг сақланиши, ўз хавфсизлигининг ҳамда тараққиёт йўлидан барқарор ривожланиш учун шарт-шароитларнинг таъминланиши Ўзбекистон учун олий миллий устувор йўналишлардир.

2012 йил Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати учун том маънода тарихий йил бўлди, десак, асло муболоға бўлмайди. Зеро, айнан шу йили мамлакатимизнинг Биринчи раҳбари Ислом Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинди ва у кучга кирди. Мазкур Қонунни мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин⁴.

“Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ташқи сиёсатда мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик,

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 346.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 6.

³ “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ти 1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1997. – № 2. – 35.

⁴ Жўраев Қ.А. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепциясининг мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшичиллик маконини яратишдаги аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари тўплами: Тошкент, 5 декабрь 2012. / масъуль муҳаррирлар: Ш.А.Ёвқочев, Б.Э.Очилов. – Т.:ТошДШИ, 2012. – Б. 3.

умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик; давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш; ички миллий қонунлар ва ҳукуқий меъёрлардан ҳалқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган қоида ва меъёрларининг устуворлиги; иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш; тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик; давлатлараро алоқаларда тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги; ташқи алоқаларни икки ва кўп томонлама битимлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик каби тамойиллар ташқи сиёсатимизнинг сиёсий-ҳукуқий асослари сифатида белгилаб қўйилди.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида қуидагилар келтириб ўтилган: “Глобаллашув ҳамда ҳозирги дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, минтақада ҳамда Ўзбекистоннинг шундок ёнгинасида таҳдидларнинг, террорчилик кўринишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши ҳалқаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ҳамда муносиб жавоб қайтариш максадида давлат ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Биринчи навбатда, миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташқи шароитлар яратиб бериш, иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини саклаш, мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттириш зарур”¹.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсати учун ўта долзарб бир паллада қабул қилинди. Ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 2012. – № 9/1 (1437). – 239-м.

дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй берадиган ўзгаришлар, минтақада ва Ўзбекистоннинг шундоқ ёнгинасида таҳдидлар, террорчилик кўринишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши халқаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтариш мақсадида давлат ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Аввало, миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун имкон қадар қулай ташқи шароитлар яратиб бериш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини бундан буён ҳам таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттириш муҳим аҳамият касб этади¹.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясининг қабул килиниши, шак-шубҳасиз, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олишига, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга яқиндан кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси ўтган мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатимизда ташқи сиёсат борасида тўпланган миллий тажрибани умумлаштириш, қолаверса, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги даврнинг мураккаб хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегияси аввало мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига қўшилишини таъминлашга қаратилган. Биз, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш деганда ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида жаҳон иқтисодий ва сиёсий тизимлари билан қўшилишни, иқтисодий манфаатлар билан мафкуравий мулоҳазалардан устунлигини, халқаро

¹ Жўраев К.А. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепциясининг мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишдаги аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати: ташкилий, сиёсий ва хукуқий ва жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлги миқёсидаги “Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият” рукни остидаги учинчи анъанавий илмий-амалий конференция материаллари тўплами: Тошкент, 5 декабрь 2012 й. / Масъул мухаррирлар: Ш.А. Ёвқочев, Б.Э. Очилов, У.Ю. Идиров. – Т.: ТошДШИ, 2012. – Б. 5.

хуқуқнинг давлат ички қонунларидан устунлигини, жаҳон тизимида халқаро хуқуқнинг асосий принципларига мувофиқ иштирок этишни назарда тутамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг февраль ойида илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ташқи сиёсатимизнинг янги уфқ ва мэрраларини белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегиясида айтилишича, “хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш” **2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бешинчисидир¹.**

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланган ҳолда жаҳон тараққиёти йўналишлари ва халқаро тизим муассасаларининг бутун бошли мажмуига қўшилиши керак.

Шу нарса аниқки, ташқи сиёсат жаҳон ҳамжамиятининг барча иштирокчилари билан яқин алоқаларни таъминлаб, мамлакатимиз мустақиллигига нисбатан юзага келаётган ижтимоий-иктисодий таҳдидларга қарши кураш ишида Ўзбекистоннинг қудрати ўсиб боришида ижобий акс этиши керак.

Ўзбекистоннинг XXI аср учун ташқи сиёсат концепциясида асосий устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё минтақаси ўрин олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақадаги “ён қўшни – жон қўшни” мамлакатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон географик жиҳатдан қарагандা Марказий Осиё минтақасининг юрагидир.Faқат бизнинг мамлакатгина минтақадаги ҳар бир давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Афғонистон билан умумий чегараларга эга. Бундан ташқари, бутун

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 6. – 70-м.

транспорт-коммуникация инфратузилмаси алоқа линиялари ва энергетика тизимлари республикамиз ҳудудида жойлашган ёки у орқали ўтади. Бу ҳол Ўзбекистоннинг геосиёсий ролини белгилаб беради¹.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши, табиийки, қўшни давлатлар, аввало минтақадаги давлатлар билан ўзаро алоқаларни ҳамда ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан интеграциявий алоқаларини мустаҳкамлаб бориб барча яқин қўшнилари билан тинчлик ва тотувликда яшашга интилади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларга асосланган яхши қўшничилиги – асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва кўпайтириш керак бўлган ўзгармас қадриятдир².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Қозогистон Республикасига қилган расмий сафари мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган алоқа ришталаридан хабар беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг таъбирига кўра, “ўзбек-қозоқ муносабатлари Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади”³. Икки давлат президентларининг қўшма баёнотида айтилишича, “Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлмиш икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик бутун минтақанинг барқарорлиги ва ривожи учун муҳим аҳамият касб этади”⁴.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик муаммоси муҳим ўрин тутади. Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлик масалалари ҳарбий ва сиёсий жиҳатлар билангина эмас, балки иқтисодий, гуманитар, экологик ва бошқа жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Республикализ раҳбарияти хавфсизлик муаммосининг муваффақиятли ҳал этилиши комплекс ёндашувни талаб этади, деб ҳисоблайди.

¹ Фафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари амалиёти: Монография. – Т.: Алишер Навои номли Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нашриёти, 2007. – Б. 147.

² Десять лет независимости: узбекская дипломатия по пути созидания и сотрудничества // Народное слово. – Т., 2001. – 31 авг.

³ Интервью века! Шавкат Мирзиёев дал интервью. Заявления Президента вас заинтригуют... // <http://upl.uz/index.php?newsid=2106>. – 2017. – 21 марта.

⁴ Узбекистан – Казахстан: новый этап сотрудничества, основанного на исторической дружбе и стратегическом партнерстве // <http://president.uz/ru/news/5553/>. – 2017. – 23 марта.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги асосий вазифалардан бири ўтган барча йиллар мобайнида Марказий Осиё давлатлари учун ҳам, минтақага чегарадош улкан географик макон учун ҳам жуда зарур бўлган минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришдир. Ўзбекистон хавфсизликнинг бўлинмаслигидек асосий принципга таяниб, халқаро тузилмалар, аввало БМТ ва ЕХХТнинг Марказий Осиёда тинчликка хавф туғдириш, глобал барқарорликни барбод этишга қодир бўлган трансмиллий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни заарсизлантиришдаги ролини фаоллаштириш учун изчил ҳаракат қилган ва ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёв Россия Федерациясига қилган расмий давлат сафари натижаларига кўра Россия Федерацияси Президенти В.В. Путин билан берган қўшма баёнотида таъкидланишича, “Давлат раҳбарлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти глобал хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи универсал халқаро структура бўлиб келаётганлиги сабабли унинг халқаро муносабатлардаги марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлашга азм қилишди”¹.

1992 йил 2 март куни Ўзбекистоннинг тенг ҳукуқли аъзо сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши республикамиз тарихи ва жамиятимиз ҳаётида энг муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди². Ўзбекистон БМТни дунёда тинчликни сақлашнинг улкан имкониятига эгалигини инобатга олиб, мамлакатларнинг жаҳон тизимида самарали ҳамкорлик қилишида энг муҳим восита сифатида баҳолаб келмоқдаз.

Бугун Ўзбекистон 50 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ишида иштирок этмоқда. Айни вақтда у 500 дан ортиқ халқаро сиёsat субъектлари, шунингдек етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалар, аввало Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки гурӯҳи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё ва тинч океани минтақаси учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссия, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро

¹ Совместное заявление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева и Президента Российской Федерации В.В.Путина // <http://president.uz/ru/news/5592/>. – 2017. – 06 апр.

² Қосимов А., Мухаммеджонов О. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорлик одимлари // “Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истиқболлари” мавзусидаги конференция материаллари, 2007 й. 16 март. – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 132.

³ Байбакулова Н. ООН и Узбекистан: содействие в целях развития // Материалы конференции «Узбекистан и ООН: опыт и перспективы сотрудничества», 16 марта 2007 г. – Т.: ТГЮИ, 2007. – С. 7.

мехнат ташкилоти, Атом энергиясини назорат қилиш бўйича халқаро агентлик каби қўплаб ташкилот ва уюшмалар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ёрдамида глобал ва минтақавий даражада ўзининг асосий манфаатларини ҳимоя қилмоқда, минтақавий ва глобал даражаларда, хусусан Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик тизимини шакллантиришда иштирок этмоқда, жаҳон иқтисодиётига кириб бормоқда, қадимий маданиятимизнинг бой меросини дунё аҳлига намоён этмоқда, ташқи сиёсий мулоқот тажрибасига эга бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг ва умуман Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлиги ҳозирги кунда жуда қаттиқ синовларга дуч келмоқда. Зоро, бугунги халқаро террорчилик, диний экстремизм, сепаратизм ва наркобизнеснинг борган сари кенг миқёсда тарқаб бораётгани ва ўзаро бирлашиб кетаётганлиги масалани янада мураккаблаштирум оқда. Бу таҳдидларни ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисалар деб, қараш мумкин эмас, чунки уларнинг илдизи бир. Улар ортида турган кучлар эса, ўз режалари ва ҳаракатларини анча мувофиқлашган ҳолда амалга ошироқдалар.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, турли хил диний шиорлар ва сепаратизм гоялари, халқаро террорчиликнинг мафкуравий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркографик – шубҳасиз, халқаро террорчиликнинг молиявий таянчидир¹.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги минерал ва хом-ашё ресурслари туфайли, халқаро майдонда жиддий эътибор обьектига айланиб бормоқда. Дунёнинг йирик давлатлари стратегик манфаатларининг бу ерда кесишуви, айrim пайтда эса ҳатто тўқнашуви юз бермоқда. Ўттиз беш йилдан зиёд Афғонистонда давом этаётган кескинлик ва қарама-қаршиликлар фикримизнинг яққол далилидир.

Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши зарурлигиниз алоҳида қайд этиш жоиз. Тан олиш керакки, бу ўта принципиал ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий,

¹ Казакханов Х. Международно-правовые механизмы пресечения финансирования терроризма // Давлат ва хуқуқ. – Т., 2005. – № 3 (25). – С. 59.

² Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 2012. – № 9 / 1 (1437). – 239-м.

экологик ва бошқа турли муаммоларни ҳам ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари асосида ҳал қилиниши тарафдори эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, минтақадаги мавжуд муаммолар ва масалалар Марказий Осиё ҳалқлари томонидан ўзаро ҳамжиҳатлик ва муроса йўли билан ҳал қилиниши керак, четдан туриб бизга бу муаммоларни ҳеч ким ҳал қилиб беролмайди. Бу ғоя ташқи сиёсатимиз концепциясининг квинтэссенциясини ташкил қиласи, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бунда, “Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида марказий мувофиқлаштирувчи ролини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўйнаши лозим”¹.

Хулоса қилиб қуидаги фикрларни илгари сурамиз:

Биринчидан, учинчи минг йиллик бошида Ўзбекистон учун халқаро ва минтақавий хавфсизлик диалектикаси мамлакатимизнинг амалий иштироки ва халқаро хавфсизлик тизимидағи туб ислоҳотда минтақавий хавфсизлик муаммоларининг таркибий, ажralmas қисм эканлигини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни глобал хавфсизликнинг ажralmas таркибий қисми сифатида қарайди ва бунда республикамиз учун Марказий Осиёнинг минтақавий хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатлари доирасига киради.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий курсининг ривожланишини таҳлил қилиб, тўла ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ташқи сиёсатимизда 2017 йилнинг бошида вужудга келган туб ўзгариш Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва яхши қўшничиликка эришишга қаратилгандир.

Тўртинчидан, кейинги йилларда минтақавий хавфсизлик мавзуини минтақада тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлашга қодир бўлган сиёсатнинг реал мазмуни масалалари ташкил этади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати минтақада юз берётган ва энди юз берадиган ўзгаришларга адекват ва мослашувчан тарзда чора кўришга энг кўп даражада йўналтирилган бўлиши керак.

¹ Совместное заявление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева и Президента Российской Федерации В.В.Путина // <http://president.uz/ru/news/5592/>. – 2017. – 06 апр.